



Ислом Нури

(Зухруф сураси 13-оят.) Эй Аллоҳ, биз Сендан ушбу сафаримизда яхшилик-хайрни, тақвони ва Сен рози бўладиган амалларни сўраймиз. Парвардигоро, бизга бу сафаримизни енгил қил, унинг узоқлигини яқин қилгин. Илоҳо, сафардаги йўлдош ҳам, хонадондаги ўринбосар-халифа ҳам Ўзингдирсан. Эй Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатларидан, қайғули-ёмон кўринишлардан ҳамда мол-мулк ва оилага етадиган зиёну заҳматдан паноҳ сўрайман.)

Агар сафардан кайтсалар юқорида зикр қилинган дуони ўқир ва:

“Айбуна таибуна абидуна ли-роббина ҳамидуна”ни кўшиб қўяр эдилар.

(Маъноси: Биз сафаримиздан қайтувчи, тавба қилувчи, Раббимизга сиғинувчи ҳамда У зотга ҳамду санолар айтувчилармиз.)

Бизнинг учун сафаримизни енгил қил ва унинг узоқлигини яқин қилгин. Илоҳо, сафардаги йўлдош ҳам, хонадондаги ўринбосар-халифа ҳам Ўзингдирсан. Эй Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатларидан, қайғули-ёмон кўринишлардан ҳамда мол-мулк ва оилага етадиган зиёну заҳматдан паноҳ сўрайман.)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Сафарда агар бирон тепаликка кўтарилсак такбир айтар эдик, агар пастликка тушсак тасбеҳ айтар эдик.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Сафарда агар бирон тепаликка кўтарилсак такбир айтар эдик, агар пастликка тушсак тасбеҳ айтар эдик.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Хавла бинти Ҳаким розияллоҳу



Ислом Нури

анҳо айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким бирон манзилга тушганида: {بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ} (яъни: яратган нарсаларининг ёмонлигидан Аллоҳнинг мукамал калималари билан паноҳланаман) деса, то шу манзилдан кетгунча унга ҳеч нарса зарар етказолмайди» деганларини эшитганман.

Шарҳ:

Инсон аҳли, моли, ватани ва биродарларидан ажралиб сафар қилган вақтида ўзи билан сафарда ҳам, муқим турганида ҳам бирга бўладиган Аллоҳ таолога кўпроқ илтижо қилишга муҳтож бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқишларида, сафардан қайтишларида, қасд қилган манзилга етганларида, сафар чоғида агар тепаликка чиқсалар ёки пастликка тушсалар, бирон ўринда дам олсалар, бу ўринларнинг ҳаммасида ўзига хос дуолар қилар эдилар. Демак, мўмин киши суннатга эргашиб ва сафарида турли бало-қазолардан сақланиб, саломат қайтиб келиши учун бу дуоларни ўз ўрнида ўқиб юрмоғи керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Сафарга чиқишда ва қайтишда ўқиладииган дуоларни қилиш суннат.
2. Сафарда юрганда тасбеҳ ва такбир айтиш суннат.
3. {بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ} инсонни ҳамма ёмонликдан – Аллоҳнинг изни билан – сақлайди.